



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ УҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШДА РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИ ЮРИТИЛИШИ

*Очилова Дилсуз Собировна*

**Калит сузлар:** якка тартибдаги профилактика, профилактика, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузрликдан жабирланувчи, якка тартибдаги профилактика

**Анотация:** Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси тушунчаси, уни амалга ошириш усуллари турлари, якка тартибда шахслар билан ишлаш тартиб тамоиллари ҳамда уни профилактика инспекторлари томонидан амалга оширишда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг олдини олиш юзасидан айрим мулоҳазаларимиз мавжуд

**Annotation:** This article contains the concept of individual prevention of crimes, types of methods of its implementation, principles of working with individuals individually, problems arising in its implementation by prevention inspectors, and some comments on their prevention.

Ўзбекистон республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари тизими белгилаб берилган. Биз юқорида мазкур чора-тадбирлар тизимини мазмунан кўриб чиқдик. 43 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сон буйруғи. 44 Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги қонуни// URL: <http://www.lex.uz>. 45 Мазкур параграфимизда ушбу чора-тадбирларнинг ҳуқуқий тартиби масаласига тўхталиб, уларни қуйидаги тартибда кўриб чиқамиз: - профилактика суҳбат; - расмий огоҳлантириш; - ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар ҳақида хабардор қилиш; - ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш; - профилактик ҳисобга олиш; - мажбурий даволанишга юбориш; - маъмурий назорат. «Профилактик суҳбат» чора-



тадбирларнинг дастлабки ҳисобланади. Профилактика суҳбати давомида шахснинг ўзига хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади. Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқатворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади. Профилактика суҳбати ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари ходимлари томонидан ўтказилади. Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахснинг яшаш, ўқиш, ишлаш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191 сон буйруғи. 46 Профилактика суҳбати давомида шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади. Якка тартибдаги ёндашиш (индивидуаллаштириш) профилактик суҳбатни ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика олиб борилаётган шахсларнинг қизиқиши, характери, темпераменти, дунёқараши, жамиятга, ижтимоий муносабатларга, умуминсоний, миллий ёки диний қадриятларга нисбатан муносабатига, орзу-истакларига асосланиб ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак бўлади. Суҳбат ўтказувчи ходим профилактика қилинаётган шахснинг аввалги ва ҳозирги ҳаёти, ижобий ва салбий томонлари, унинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда режа тузиб, уни қачон, қаерда ўтказишни белгилаб олиши шарт. Суҳбатнинг асосий талабларидан бири профилактика қилинаётган шахс билан доимий равишда уни ўтказиб боришни таъминлашдан иборатдир. Суҳбат мавзуси профилактика қилинаётган шахснинг хулқ-атвори, ижобий ҳаракатлари, иш ва ўқишдаги натижалари ҳақида бўлиши мумкин. Таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш (дифференциация), бунда профилактик суҳбатни ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика олиб борилаётган шахсларнинг профилактик ҳисоб тури, жинси, ёши, касби



(машғулот тури), маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарлик содир этганлигига доир хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб этилади. Мисол учун, профилактик суҳбат – вояга етмаган ёки катта ёшдагиларга, маъмурий ёхуд жиноий ҳуқуқбузарлик содир этганларга, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларга нисбатан турлича амалга оширилиши лозим ҳисобланади. Суҳбат жамоатчи тарбиячилар, ҳомийлар, оталиққа олган шахслар, мураббийлар ҳам таклиф этилиши, вояга етмаганлар билан суҳбатда эса ўқитувчилар, психолог, ота-оналар, маҳалла фаоллари, хотин қизлар кўмитасининг раислари таклиф этилади. Профилактика инспектори шахс 47 билан профилактика суҳбатини амалга оширганлиги ҳақида «Профилактика суҳбатини қайд этиш» китобига қайд этади ҳамда унга келгусида жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этмаслик ҳолатларини давом эттирмаслик, акс ҳолда қонунда белгиланган маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши мумкинлигини тушунтиради. Ундан ташқари профилактик суҳбатни қайд этиш китоби мавжуд булиб, бу китобга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизмати номи, китобнинг бошланиш ва тамомланиш вақти (йил, ой, сана) кўрсатилади, китобнинг ўнг томонига қуйидвги маълумотлар киритилади: профилактика суҳбати ўтказилган сана ва жойи; профилактика суҳбати ўтказилган шахснинг Ф.И.Ш.; профилактик суҳбат ўтказиш сабаби ва мақсади; профилактика суҳбатини ўтказган масъул ходимнинг лавозими (унвони) Ф.И.Ш.; китобнинг чап томонига эса: профилактика суҳбати ўтказилган шахснинг ўзига хос хусусиятлари, турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароити; ғайриижтимоий хулқ-атвор ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароити. Профилактика суҳбати ўтказилган шахснинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига хабар қилинганлиги ҳақида белги киритилади. Шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг моҳиятини англаб этса ва пушаймон бўлса, профилактика инспектори профилактик суҳбат билан чегараланади. Аксинча, шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини ёки ҳуқуқбузарлик содир этишининг моҳиятини англаб этмаса ва пушаймон бўлмаса, шунингдек профилактика инспектори аниқланган ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришга 48 йўл қўйиб бўлмайди деб топса, у ҳолда шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш қўллаши ҳам мумкин ҳисобланади. «Мураббийлик» профилактика қилинаётган шахс меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш



корхоналарида кўпроқ қўлланилади. Бунда профилактика қилинаётган шахсни меҳнат ва маънавий тарбиявий тадбирлар анъаналари, касб- хунарга ўргатиш орқали тарбиялашга эътибор қаратилади. «Ёрдам кўрсатиш» профилактика қилинаётган шахсни иш билан таъминлаш, маиший муаммоларини ҳал этиш, ўқишга кириб олиш, бўш вақтларини банд этиш, ижтимоий- фойдали аловаларни тиклаб олишда ёрдам кўрсатишдан иборат. Расмий огоҳлантириш – шахсга ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтириш, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат. «Расмий огоҳлантириш» шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади. Профилактика суҳбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда ёхуд жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини ёхуд ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс аниқланган жойнинг ўзида масъул ходим томонидан расмий огоҳлантирилади. Расмий огоҳлантириш масъул ходим томонидан ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда, олиб борилаётган профилактик 49 тадбирлар жараёнида, мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида, терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб бориш вақтида шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда чиқарилади. Расмий огоҳлантириш бланкасининг шакли икки қисмдан – фуқарога тақдим қилинадиган расмий огоҳлантириш ҳамда масъул ходимда қоладиган унинг қирқиб олинадиган қисмидан иборат бўлади<sup>46</sup>. Расмий огоҳлантириш бланкаси расмийлаштирилганда унга барча ёзувлар қора ёки ҳаворанг сиёҳда, тушунарли қилиб ёзилади. Масъул ходим расмий огоҳлантириш бланкасини расмийлаштираётган пайтда шахсининг ёнида унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, расмий огоҳлантириш бланкасининг тегишли графалари шахсининг сўзидан тўлдиради. Масъул ходим расмий огоҳлантириш бланкасини расмийлаштирганидан сўнг уни имзолайди. Расмий огоҳлантириш бланкасининг қирқиб олинадиган қисми расмий огоҳлантирилади шахс



томонидан ҳам имзоланади. Расмий огоҳлантирилаётган шахс бланкага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда масъул ходим томонидан расмий огоҳлантириш бланкасига бу ҳақда ёзиб қўйилади. Расмий огоҳлантириш бланкаси расмийлаштирилганидан сўнг унинг фуқарога тақдим қиладиган қисми расмий огоҳлантирилган шахсга берилади, бланканинг қирқиб олинадиган қисми масъул ходимда қолади, ходим расмий огоҳлантириш бланкасининг қирқма қисмини мазкур йўналишни умумлаштирилиб, ҳисобот юритишга масъул бўлган ходимга топширади. Масъул ходим, расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига хабар қилишга ҳақли. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки 46 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191 сон буйруғи. 50 унда иштирок этувчи орган ва муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақида иш, ўқиш жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли. Бундай чора-тадбирларни амалга оширишда ушбу тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилган тақдирда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларига шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимнома юборади. Бу ҳолат бевосита МЖТКнинг 313-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, ушбу тақдимномага асосан корхона, муассаса ҳамда ташкилотлар бир ой муддат ичида ушбу ҳолатни бартараф этиш чораларини кўрмаган тақдирда уларга нисбатан ушбу кодекснинг 196-моддасида келтириб ўтилган жавобгарликни юзага келтиради. Ушбу нормада таъсир кучининг чегараланганлиги кўзга ташланади. Негаки ушбу норманинг диспозициясида «Ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабабларини ҳамда уларга олиб келувчи шартшароитларни бартараф этиш юзасидан ички ишлар органлари ёзма тақдимномаларини бажариш» 47 чораларини мазмуни



кўрсатиб ўтилган. МЖТК ЖПК талаблари асосида нафақат ички ишлар органлари, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам ҳуқуқбузарликларга оид ишлар юритувини амалга ошириш ваколатига эга шунингдек, ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс сифатида сабаб шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли жойларга тақдимномалар киритиш лозимлиги бўйича мажбуриятларга эгадир. 47 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>. 51 «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасида келтирилган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, 23-моддадаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома киритишдан мазмунан фарқ қилади. Сабаби ушбу ҳолатда содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлари бевосита ғайриижтимоий ҳуқ-атворли шахс, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ўқиш, иш ёки яшаш жойидан биридаги муҳитга тўғридантўғри (бевосита) алоқадор бўлмаслиги мумкин.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <http://www.lex.uz> (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi).
2. <http://press-service.uz/uz> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining rasmiy veb-sayti.
3. <http://natlib.uz> (Alisher Navoiy Nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi).
4. <http://akadmvd.uz> (O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi).
5. <http://ziyonet.uz> (ZiyoNET ta’lim portali).
6. <http://utube.uz/ru> (Utube.uz ta’lim videoportali).
7. <http://book.uz/> (Elektron adabiyotlar kutubxonasi).
8. <http://www.xs.uz> («Xalq so‘zi» gazetasi).